

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 159 (12.470)

Баҳоси эркин нарҳда



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Елқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Пойтахтимиздаги ёшлар ижод саройида Халқаро ёшлар кунига бағишланган фотокўргазма очилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA) ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, билим олиши ва касб-хунар эгаллаши учун кенг шaroит яратиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада кўлаб халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан 2000 йилдан бунён 12 август Халқаро ёшлар кунини сифатида кенг нишонланмоқда. Бу ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тинчлик тарафдорларини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, авлодлар ва маданиятлар ўртасидаги бирдамликни янада мустаҳкамлаш, йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Кўргазмада «Келажак овози», «Биз — 22 ёшдамыз!», «Мен ва mening ҳаётим» йўналишлари бўйича саралаб олинган икки юзга яқин фотосурат намойиш этилмоқда. Уларда ёшлар ҳаёти, ўқиши ва фаолияти, ижтимоий-сиёсий тадбирлардаги иштироки, улкан ютуқлари турфа жанр ва услубларда акс эттирилган. Бу суратларнинг муаллифи ҳам ёшлардир.

Шу кун БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида БМТ ресурс хонаси ҳам очилди. Шу муносабат билан ўтказилган брифингда мазкур кутубхона директори А.Ҳўжаев мамлакатимизда ёш авлодини миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2011 йилда барпо этилган «Маърифат маркази» бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Ушбу марказдан ўрин олган Миллий кутубхонада китобхонларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. Зиё маскани олти ярим миллион нусхадан зиёд китоб хазинасига эга. Унинг электрон адабиётлар базаси ҳам тобора

бойиб бораётир. Етти юз ўринли ўқув зали замонавий асбоб-ускуналар, Wi-Fi тизими билан жиҳозланган. Бундай замонавий шaroит аҳолининг ушбу маърифат даргоҳига интилиши ва қизиқишини оширмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси маъмурияти бундай имкониятлар кўламини янада кенгайтириш, кутубхонага инновацион технологияларни кенг жалб этиш мақсадида давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда миллий ахборот-кутубхона ҳафталиклари, турли тадбирлар ташкил этилаётир. Мутахассисларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш, кутубхона хизматини такомиллаштириш, инновацион технологиялардан оқилона фойдаланиш, кутубхонада жисмоний имконияти чекланганларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг мутлоа маданиятини юксалтиришга оид семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Янги ресурс маркази аҳоли ва китобхоналарга БМТнинг Ўзбекистондаги фаолиятига оид ангилликлар, турли манбалар, лойиҳалар, дастурлар ва услубий қўлланмалар баъзидан фойдаланиш учун янада қулай шaroит яратди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти билан яқиндан танишар эканман, мамлакатимизда ахборот-кутубхоналар жадал ривожланаётганига, Ўзбекистонда аҳоли, айниқса, ёшларга замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганига яна бир бор амин бўлдим, — деди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. — Биз Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори ёшлар масаласига оид турли йўналишлар — таълим, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келаямиз. Ушбу ресурс хонаси китобхоналарга БМТ фаолияти ҳақида кенг маълумот олиш имконини беради. Барча зарур техника ва технологиялар билан жиҳозланган бундай замонавий кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари аҳоли, айниқса, ёшларнинг илмий, маънавий ва касб салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбирлари

2013 йил 8 август кунин «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболи» янги ҳисоботини эълон қилиб, Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболини кетма-кет тўртинчи йил «барқарор» деб тасдиқлади.

«МУДИС»: ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ САҚЛАНМОҚДА

«Мудис» агентлигининг фикрича, 2010 йилдан бунён банк тизими ривожланишининг истиқболи «барқарор» даражада сақланишида банклар фаолияти учун қулай шарт-шaroит яратётган мамлакат иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсиб бориши асосий омил бўлмоқда.

«Мудис» агентлигининг ҳисоботида банклар даромадлигининг ижобий кўрсаткичлари ва активлари сифатининг яхшиланиши, шунингдек, ликвидлик даражасининг барқарорлиги, миқозлар депозитларининг ўсиб бориши, ҳукумат томонидан йирик банкларга йўналтирилаётган сезиларли молиявий ресурслар асосий ижобий омиллар бўлди, дейилади.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар тижорат банклари умумий капитали ҳажмининг охириги уч йилда 2 баробардан зиёд ошириш имконини берди ва 2012 йилда банк тизимининг умумий капитали ўсиши 24,2 фоизни ташкил этди.

Банклар капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич халқаро стандартлардан (8 фоиз) қариб 3 баробар юқоридир.

Банкларнинг барқарор мавқеи банк тизимига бўлган ишончининг ўсиши, аҳоли ва корхоналарнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишининг мустаҳкам асоси бўлиб қолмоқда. Сўнгги уч йилда банк депозитларига жалб этилган маблағлар 2,6 баробар, шу жумладан, аҳоли омонатлари миқдори 2,4 баробар ўсиши таъминланди. 2012 йилда ҳўжалик субъектлари ва аҳоли депозитлари ҳажми 31,5 фоиз ўсди. Утган йили банкларнинг жами активлари 30,2 фоиз, сўнгги уч йилда эса бу кўрсаткич 2,3 баробар ошди.

«Мудис» агентлиги экспертлари таъкидлашча, сўнгги 12 ой ичида Ўзбекистон банк тизими активлари сифати сезиларли даражада ошиб, иқтисодиётнинг юқори суръатда ўсишини таъминламоқда. Шу билан бирга, «Мудис» рейтинг агентлиги банкларнинг даромадлилик кўрсаткичлари, жумладан, активлар ва капиталининг жорий рентабеллиги сақлаб қолинишига ишонч билдирмоқда.

Шунингдек, «Мудис» рейтинг агентлиги прогноз қилишча, жорий йилда кредитлаш ҳажми 20 фоиз ўсади. Кредитлаш қўламининг жадал кенгайиши шaroитида капиталнинг жорий етарлилик даражасини сақлаб қолиш учун 2013-2014 йилларда тижорат банкларининг жами капитали йилига камида 20 фоиз ўсишини таъминлаш бўйича чоралар кўриб борилади.

«Мудис» агентлиги экспертлари фикрича, мамлакат иқтисодиётининг юқори ўсиши прогноз қилинаётган келгуси 12-18 ой мобайнида банклар учун қулай операциялар муҳит яратилишини таъминлайди.

Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ривожланиши ўтган йилнинг 28 ноябридан 7 декабригача мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта фондининг миссияси томонидан ҳам қайд этилган эди. Хусусан, миссия «Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намойиш этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти юқори даражада сақланиб турибди» ва «...банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал иқтисоднинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди», деб таъкидлаган эди.

(ЎЗА)

ЮРТИМИЗ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ — ИСПАНИЯНИНГ АВС ГАЗЕТАСИДА

Ранг-баранг фотоиллюстрациялар билан безатилган нашрда Хиндустон, Хитой ва Португалиядаги Мадейра оролининг диққатга сазовор жойлари қаторида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

Мақола муаллифи мамлакатимизни «даврлар ва тамаддунлар кесишган, турли халқлар, тиллар ва маданиятларни ўзаро бирлаштирувчи ҳудуд», дея таърифлайди. Шунингдек, мақолада «Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларидаги кўлаб архитектура ёдгорликлари Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳарларга ўзига хос гўзаллик бахш этиб турибди» деган фикрлар билдирилган.

«Бундан кўп йиллар муқаддам ипак, чини, турли қимматбаҳо тошлар, гиламлар, ширинликлар ва доривор воситалар орттилган карванлар Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. «Viajes El Corte Ingles» компанияси

Испаниянинг АВС газетасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тўғрисида мақола chop этилди. Ушбу мақолада «Viajes El Corte Ingles» сайёҳлик компанияси томонидан мамлакатимизнинг тўртта сайёҳлик йўналишлари бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳақида ахборот берилди.

сизга бу эртақнамо мамлакатга сайёҳатга чиқишни таклиф этади. Сайёҳат давомида сизнинг кўз олдингизда қадимий Шарқ экзотикаси намойиш бўлади», деб ёзилади мақолада.

Испаниянинг АВС нашри мазкур мақола орқали кенг муҳлислар аудиториясини Самарқанд шаҳрининг қадимий ёдгорликлари, машҳур сайёҳ Марко Полони ҳайратга солган лозжувард рангда товланувчи миноралар, иштаҳани қитқовловчи турли-туман ноз-неъматларга тўла бозорлар билан таништирди. Шу билан бирга муаллиф юртимиздаги маҳит ва мадрасаларнинг мукаммал

қурилиши ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдирган. Бухоро мақолада тарихий ёдгорликлар сақланган ажойиб музей-шаҳар, қадимий ва замонавий услубларни бирлаштирган қиёфаси, ўз меҳмондўст халқи, гўзал табияти билан бутун дунёдан келаятган сайёҳлар қалбидан жой олган бетакрор маскан сифатида тасвирланади.

Буюк Ипак йўлида Қорақум қўмликлари оша меҳмонларга пешвоз чиқади-ган яна бир қўҳна шаҳар Хивага ҳам мақолада «дунё тамаддунининг кўп асрлик тарихига ғувоҳ шаҳар», дея таъриф берилди.

«Туркистон-пресс»



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида «Юртимиз келажги билимли, ҳунарли ёшлар қўлида» деб номланган касблар фестивали ўтказилди. Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган ушбу тадбир ёш ҳунармандлар, хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси билан бошланди.

• Янги ўқув йили арафасида Самарқанд вилоятидаги бозор ва савдо мажмуалари, таълим муассасаларида мактаб ярмаркалари иш бошлади. Савдо нуқталарининг терминал, назорат касса аппарати ва бошқа зарур воситалар билан таъминланган аҳолига манзур бўлмоқда.

• Гулистон шаҳрида «Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Республика хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу кўрик-танловда вилоятдаги 36 бошланғич ташкилот вакиллари иштирок этди.

• Бухоро вилоятида «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

• Навоий шаҳридаги «Саид Шохсанам» хусусий корхонаси томонидан тўрт турдаги бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда маҳаллий муҳандислар томонидан хориж технологияси пухта ўзлаштирилиб, тежамкор ускуна яратилди. Натижада ўнга яқин доимий иш ўрни вужудга келди.

ЖАҲОНДА

• Еврохудудга кирувчи мамлакатларда давлат қарзлари билан боғлиқ кўрсаткич рекорд даражага етди. Яъни айти пайтга келиб, ушбу ҳудудда ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат қарзлари ҳажми 92,2 фоизга етди. Бу борада, айниқса, Греция (160,5 фоиз), Италия (130,3 фоиз) ва Португалия (127,2 фоиз)да аҳвол мураккаб. Таъкидлаш жоизки, ўтган вақт мобайнида фақат Германия ва Эстония давлат қарзларини қисқартиришга муваффақ бўлишди.

• Калифорния университети олимлари кўп ухлашнинг инсон организмга таъсири юзасидан кузатув-тадқиқотлар ўтказишди. Маълум бўлишича, уйқуқа эҳтиёж одамларда ҳам, бошқа жонзотларда ҳам генетик код таъсирида вужудга келади. Бироқ инсонга 7-8 соатлик уйқу етарли ҳисобланади. Ундан ортиги эса зарарли экан. Яъни, тадқиқотларга кўра, доимий равишда 9-10 соат ухлаш саломатликка сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиши маълум бўлди.

• Гренландия музликларида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб кетди. Чунинчи, 30 июль кунин бу ерда термометр кўрсаткичи 25,9 даража иссиқни қайд этган. Бу рекорд кўрсаткич бўлиб, шу пайтгача энг юқори ҳарорат 1990 йилнинг 27 июлида кузатилаган бўлиб, ўшанда ҳарорат 25,5 даражага етган эди. Мутахассислар абадий музликларда ҳароратнинг кўтарилиб боришини глобал иссиқ оқибати сифатида изоҳлашди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** шаҳримизда «Ёлғиз кексалар, пенсионер-

лар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ва маънавий ҳимоя қилиш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Турин политехника университетидида мустақиллик байрамига бағишлаб «Аёллар спорт фестивали»нинг шаҳар босқичи ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманидаги Шаҳар тез тиббий ёрдам касалхонасида мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ташкил этилади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида бозорларимиз жаҳон талабларига жавоб берадиган, харидор ва сотувчилар учун зарур қулайликларга эга, сифатли хизмат кўрсатиш марказига айланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бозорларимизнинг янада обод ва кўркем бўлиши, мақбул нарх-наво шаклланиши, пул тўловлари ҳисобининг тўғри йўлга қўйилиши, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар сотилишининг олдини олишда муҳим омил бўлаётир.

Жорий йилда ҳам мамлакатимиздаги ўнлаб бозорлар ва уларнинг шохобчаларида реконструкция, қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Буни «Бешёғоч» дехқон бозори фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур бозор ҳудуди ва автотураргоҳ майдони кенгайтирилиб, қайта қурилди. Кириш жойлари ва йўлаклар тартибга солинди. Гўшт, балик, гул савдо расталари замонавий услубда қайта жиҳозланди. Бозор ҳудудида кўпплаб турғун савдо дўконлари қурилди. Савдо расталари сони 780 тага етказилди. Бозорда ташкил этилган замонавий лаборатория қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини доимий назорат қилиб бориш имконини бераётир.

Бундан ташқари, гўшт ва қандолат маҳсулотлари сифати бузилмасдан сақланиши учун ҳозир уч юздан ортик витринали махсус музлатгич ва совутгичлар харид қилинмиш, — дейди «Бешёғоч» дехқон бозори бош муҳандиси Обид Ражабов. — Косиблар ва чархчилар учун барча қулайликка эга дўконлар қурилмоқда. Ободлик, саранжом-саришталлини таъминлаш мақсадида маиший чинкиларга ажратилган махсус майдонча қуриб битказилиш арафасида.

Бундан ташқари, гўшт ва қандолат маҳсулотлари сифати бузилмасдан сақланиши учун ҳозир уч юздан ортик витринали махсус музлатгич ва совутгичлар харид қилинмиш, — дейди «Бешёғоч» дехқон бозори бош муҳандиси Обид Ражабов. — Косиблар ва чархчилар учун барча қулайликка эга дўконлар қурилмоқда. Ободлик, саранжом-саришталлини таъминлаш мақсадида маиший чинкиларга ажратилган махсус майдонча қуриб битказилиш арафасида.

Бундан ташқари, гўшт ва қандолат маҳсулотлари сифати бузилмасдан сақланиши учун ҳозир уч юздан ортик витринали махсус музлатгич ва совутгичлар харид қилинмиш, — дейди «Бешёғоч» дехқон бозори бош муҳандиси Обид Ражабов. — Косиблар ва чархчилар учун барча қулайликка эга дўконлар қурилмоқда. Ободлик, саранжом-саришталлини таъминлаш мақсадида маиший чинкиларга ажратилган махсус майдонча қуриб битказилиш арафасида.

ТЕМИРЎЛЧИЛАР УЧУН МУНОСИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

ТЕМИРЎЛЧИЛАР УЧУН МУНОСИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Темир йўл соҳаси ҳар бир мамлакат иқтисодиётида ва барча шаҳар-қишлоқларни бирлаштирувчи асосий транспорт воситаси сифатида ҳамда инсонларни ўз манзилига етказиб қўйишда ва юк ташишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир мамлакат тараққиёти темир йўл тизими хизматларининг ҳавфсизлиги ва кафолатлилиги билан боғлиқ. Бу вазифаларни эса мамлакатимиз темир йўл соҳаси ходимлари муносиб равишда амалга ошириб келади.

Анъанавий тарзда ҳар август ойининг биринчи якшанбасида юртимизда ушбу соҳа ходимлари кунини сифатида кенг нишонланади. Истиклолнинг йигирма икки йиллиги байрами арафасида темирйўлчилар кунини муносабати билан «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси энг фаол ва илғор ходимлардан 100 нафарига янги квартиралар қалити топширилди. Байрамга бағишланган тантанали тадбир Миробод туманидаги янги қурилган аҳоли турар жой мажмуаси ёнида бўлиб ўтди.

Тадбирда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темирйўл компанияси бошқарув кенгаши, компаниянинг марказий бўлими раҳбарлари, янги турар жойлар жойлашган маҳалла қўмитаси вакиллари ва ОАВ ходимлари қатнашди.

Сарақўл кўчасида янги қуриб битказилган замонавий типдаги уй-жойлар, «Lokomotiv Hotel» меҳмонхонаси, болалар майдончалари, дўкон ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси эндиликда қулай ва гўзал мажмуани ташкил этади.

Таъкидлаш лозимки, бу мажмуа лойиҳаси «Ўзтемирйўлчи» очик акциядорлик жамияти, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси буюртмаси асосида қуриб фойдаланишга топширилди. Етти қаватлики бинода 24 та квартира жойлашган. Яна битта бинода эса 28 та квартира жойлашган. Бу бино «Ўзтемирйўлчи» унитар компанияси қурувчилари томонидан қурилган. «Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонаси ходимлари учун қурилган бинода жами 48 та квартира мавжуд бўлиб, «Асмо-Файз қурилиш» ОАЖ томонидан Капитал қурилиш дирекцияси буюртмаси асосида қуриб битказилган.

«Туркистон-пресс»

Бозорлардаги савдо ўринлари жисмоний шахсларга фақат уларнинг яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома мавжуд бўлган тақдирдагина берилатири. Сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун харидорларга бериладиган касса чекларига солиқ

— Ҳар йили 15 гектарда сабзавот, қовун-тарвуз етиштириб, мўл ҳосил оламиз, — дейди Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «Наврўз риштаси» фермер хўжалиги раҳбари Султон Икромов. — Ҳозирча йигирма сотих майдонда экилган бақла-жондан 3 тонна, бир гектар картошкadan 23 тонна, эртапишар полиз экинларидан гектарига 40-60 тонна маҳсулот етиштирдик. Маҳсулотларимизнинг энг сараларидан савдо қилиш юрдошларимиз баҳраманд бўлишида мазкур ярмарка катта қулайликдир.

Чилонзорлик Таваккал Исоков ушбу ярмаркадан доим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилади. Унга айниқса, шафтоли, нок, узумнинг даладан тўғри келтирилаётгани жуда манзур бўлмоқда.

Бозорларимиздаги тўқинлик ва арзончилик боис бу гал ҳам мўлжалимиздан анча кўп нарса сотиб олдим, — дейди у. — Газеталарда айрим давлатлардаги нотинчликлар, турли офатлар, дунёда юз бераётган озик-овқат тақчиллиги ҳақида кўп ёзилади. Шукри, юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, бозорларимиз тўқин-сочин. Масалан, лавлаги, қарам 400 сўм, картошка 800 сўм, пиез 500 сўм, гуручнинг энг сифатлисини 2 минг сўмдан, гўштни 12 минг сўмдан пластик карточка орқали харид қилдим. Меваларнинг арзонлигини айтмай-сизми: олма, узум, шафтолини 1,5 минг сўмдан, олхўрини 800 сўмдан олдим. Бундай тўқинлик, арзончилик, мўл-қўлчиликка шукр қилиш, унинг қадрига етиш — бурчимиз.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан белгилаб олинган «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб тамойил ҳаётимиздан, юрдошларимизнинг қалбидан чуқур жой олгани, эришаётган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганининг яна бир амалий ифодасидир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

2013 йил — Обод турмуш йили ОБОДЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА КЎЗГУСИ

«Қайси юртнинг ободлигини билмоқчи бўлсангиз, бозорини бориб кўринг», деган нақл бор. Зеро, бозорлар азалдан халқнинг турмуш тарзини, юрт ободлиги, дастурхон тўқинлиги ва фаровонлигининг кўзгуси бўлиб келган.



Аъло Абдуллаева (ЎЗА) олган сурат

тўловчининг номи ва индивидуал рақами, харид қилинган вақти ва санаси, товарнинг номи, унинг қиймати, касса апаратининг рақами тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилмоқда.

Бозорда соҳибкорларимиз етиштирган маҳсулотларни ўзлари сотиши учун шароит яратилган. Ўз томорқасида етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотаётганлар солиқлардан озод қилинган. Озик-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган омборхоналар — улар ихтиёрида. Барча сотувчи тош-тарози билан тўлиқ таъминланган. Харидорларга янада қулайлик яратиш мақсадида Жиззах ва Тошкент вилояти фермерлари етиштираётган қишлоқ хўжалиги ва гўшт маҳсулотларининг доимий ярмаркаси йўлга қўйилди.

Транспорт

ЗАМОНАВИЙ ВА ШИНАМ АВТОБУСЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРКУМИ

Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигини муносиб кутиб олиш борасида мамлакатимизда ҳар бир соҳада яратиш, янгиланиш, ободончилик ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, йўловчи транспорти қатнови янада яхшиланиб, йўллар таъмирланмоқда. Бу эса аҳолига каттагина қулайликлар яратади.

Германиянинг «ЭвоБус ГмбХ» компанияси билан «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумли шаҳар йўловчи автобуслари, уларга эҳтиёт қисмлар ва бошқа жиҳозлар етказиб бериш учун имзоланган яна бир шартнома ҳам айнан Тошкент шаҳридаги ўн та автокорхона янгилашга қаратилганлиги билан эътиборга лойик. Мазкур шартномага кўра, тез кунларда юзта йўловчи автобуслари шахримизга етказиб берилиб, йўловчиларга қулай ва шинам хизмат кўрсатиши бошлайди.

Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли лойиҳалар замирида аҳолининг турмуш шароитини

яхшилаш мақсади кўзда тутилган, — дейди «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг инвестицион ва ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Бекзод Холматов. — Мазкур лойиҳани молиялаштиришда Ўзбекистон Республикаси тиклини ва тараққиёт фонди 15 йилга, (шунинг 3 йиллиги имтиёзли) кредит ажратди. Бир сўз билан айтганда, замонавий ва кўркем автобуслар янги туркуми қатновининг йўлга қўйилиши Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига яна бир муносиб совға бўлади.

Зиёда ОРТИҚОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкентдаги Турин политехника университети ташаббуси билан Олмазор туманида жойлашган «Чимбой» ҳамда «Ачаобод» маҳаллалари ҳамкорлигида «Репродуктив саломатликни шакллантириш ва эрта никоҳнинг оқибатлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда қизларни эрта турмушга бериш, фақат шаръий йўл билан расмийлаштирилган никоҳ оқибатида юзга келади муаммолар, яқин қариндошлар ўртасидаги қудда-андачиликнинг салбий томонлари хусусида сўз юритилди.

Биз ҳуқуқий демократик давлат фуқароларимиз, шунинг учун ҳар бир амалимиз, ишимиз қонунларимизга мутаносиб бўлиши керак, — дейди Олмазор туман ФХД бўлими 1-тоифали инспектори Саида Саидгазиева. — Афсуски, фуқароларимиз ўртасида учраётган баъзи бир хатоликлар, ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Масалан, маҳаллаларда учраётган яширин йўл билан оила қуриш ва бунинг натижасида оталикни белгилаш масалаларида келиб чиқаётган

муаммолар, каттагина салбий оқибатлар келтириб чиқараётганини унутмаслигимиз керак.

Шунингдек, тадбирда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Қизгин савол-жавоблар ва баҳс-мунозараларга бой ўтган давра суҳбати сўнггида йиғилганларга «Билмайди босилган тиканлар...» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Фильмда давра суҳбатига оид масалалар ҳаётини мисоллар орқали тасвирланган бўлиб, эрта никоҳ оқибатлари ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий асоратлари йиғилганларни фикрлашга ундади.

Маърифат ТЕМУРЗОДА

ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ГАРОВИ

Дунёнинг кунлик манзарасига бир эътибор беринг: турли маржолар, ур-йиқит, уруш-жанжал, қўпоровчилиги фаровонлар. Гўё замин оловли бир ўчоққа айланиб қолаётгандек.

Шулар ҳақида ўйлаганда, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир, деган сўзларининг моҳиятини англаб, тинч-тотув ҳаётимизга шўқроналар келтирамиз.

Мамлакатимизда 130 дан ортик миллат ва элат вакилларининг бир оиладек аҳил-иноқ яшаётгани бу барқарорликнинг муҳим устунларидир.

Шу тупроқ, шу ер меники, киндик қоним шу ерга тўкилган. Маҳаллада ўсганим учун ўзбек тилини она тилимдан яхшироқ биламан, — дейди самарқандлик Пақ Ли. — Ота-онам корейлик бўлса-да, ўтган аср ўрталарида Ўзбекистонни ватан туттиган. Аввал мен, сўнг сингилларим шу заминда туғилдик. Ўқиб қамолга етдик, ҳозир тадбиркорлик билан шуғулланаман. Гоҳида одамлар менга рус тилида мурожаат қилса, ўзбекча лутф қиламан. Кимдир ҳайратга тушади, кўпчилик раҳмат айтади. Маҳалламиз аҳил, борди-келди узилайди. Айниқса, тўй-маъракадаги бундай аҳиллик, елкадошликка бошқа жойда гувоҳ бўлиш қийин.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган бундай муҳит ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Бу Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида азалдан халқимизга хос барқиронлиги ва инсонпарварлик фазилатларига таянган миллатлараро муносабатларнинг принципиал жиҳатдан янги концепцияси изчил амалга оширилаётгани натижасидир. Бу борадаги ишлар мамлакатимизнинг барча фуқаролари учун тенг ҳуқуқ ва эркинлиги таъминлашга йўналтирилган. Бу муҳим тамойил Ўзбекистон Конституциясида, бошқа миллий қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги катта тажрибаси бутун дунёда кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда яшаб истиқомат қилаётган миллат ва элатлар ўз миллий маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шарт-шароит яратилган. Кўп сонли миллатларнинг маданият марказлари фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, газета, журналлар нашр этилмоқда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар эфирга узатилмоқда.

Бугун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, миллатидан қатъи назар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этаётир. Сенат аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари орасида ҳам турли миллат вакилларини учратиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йилда ташкил этилган Республика Байналмилал маданият маркази мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Мазкур ташкилот томонидан бир юз қирққа яқин миллий маданий марказлар фаолияти мувофиқлаштирилмоқда.

Миллий маданий марказларнинг эркин ва мустақил фаолият юритиши, ўз урф-одат ва анъаналарини эркин давом эттирган ҳолда миллий байрамларини ўтказиши учун барча шароитлар яратилган. Улар томонидан турли маданий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, концерт дастурлари, фестивал ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда. «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Ватан ягонадир — ватан биттадир» каби шиорлар остида мамлакатимизнинг барча шаҳарларида кўтаринки кайфиятда ўтказилаётган фестиваллар, давра суҳбатлари кўп миллатли халқимизнинг чинакам дўстлик анжуманига айланган, десак, муболага бўлмайди.


Мамлакатимизда юздан ортик миллатга мансуб фуқаролар каби арманлар ҳам аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб, меҳнат қилмоқда, — дейди ЎЗА мухбирига пойтахтимиздаги арман миллий маданият маркази раиси Мартин Сетян. — Ўзбекистонда кечаётган тўб янгиланишлар жараёнига турли миллат вакиллари ўз ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшаётгани, айниқса, таҳсинга лойик. Уларнинг меҳнати эъзоз ва эътибор топиб, давлатимизнинг энг юксак мукофотлари, фахрий унвон ва орден-медаллари сазовор бўлишмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида марказда махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида барча вилоятларда турли маданий-маърифий тадбирлар, «Ватан ободлиги — кўнгли ободлиги» шиори остида давра суҳбатлари, «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида анъанавий дўстлик ва маданият фестиваллари ўтказилмоқда.

Ҳозирга қадар фестивал доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда семинар ва давра суҳбатлари, миллий маданий марказлар баддий жамоалари иштирокида концерт дастурлари ташкил этилди. Фестивалнинг яқиний босқичи декабрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган. Бу тадбирларда қатнашаётган турли миллат ва элат вакиллари Ўзбекистондек жаннатмонанд ва бетакор юрда туғилиб, ўз орзу-умидларига етишаётганидан бахтиёрлигини фахр-ифтихор билан таъкидлашмоқда.

Қайси мамлакатда тинчлик, хотиржамлик ҳукрон бўлса, ўша ерда фаровонлик, ўша ерда барака ва ривожланиш бўлади. Буни мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган изчил ислохотлар, эришилган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Халқимизнинг ниёти эса битта, дунёда тинчлик бўлсин, кексаларимиз айтганидек, жонажон юртимизга кўз тегмасин.

Алоуддин ҒАФФОРОВ



ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ (2005 йил)

2005 йил «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. 25 январда Вазирлар Маҳмаси «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури тўғрисида қарор қабул қилди. Бу Дастур йил давомида амалга оширилди. Бу йил ҳам — мамлакатда амалга оширилаётган илмий-ижтимоий-сиёсий ислохотлар йили бўлди.

17 — 20 январда тарихда ilk бор Ўзбекистон Республикаси Сенатига сайловлар ўтказилди. 100 нафар Сенат аъзосидан 16 нафари Президент Фармони билан тайинланган бўлса, қолган ўн тўрт маъмурий-худудий субъект (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) бўйича маҳаллий кенгашлар депутатлари орасидан тенг миқдорда, яъни 6 нафардан Сенат аъзоси сайланди.

28 январь куні Ўзбекистон Республикаси Президенті Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» мавзuida дастурий маъруза қилди.

Хар юртининг халқ бошига кўтаридиган муқаддас гўшалари бўлади. Бу жиҳатдан Ўзбекистонимиз жаҳондаги бошқа мамлакатлардан тамоман ажралиб туради. Чунки бизда не-не улуг қадимжолар, қанчадан-қанча муқаддас маконлар бор.

Аммо ҳар бир давлатнинг бош майдони, энг улуг, энг азиз гўшаси ҳам бўлади.

Мустақиллик майдони — Ўзбекистонимизнинг ана шундай бир мўътабар парчаси.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенті Ислон Каримов шундай дейди: «Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тисмолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз, тилагимиз шуки, бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намойён этсин».

2005 йилга келиб Мустақиллик майдонининг умумманзараси тубдан ўзгаририлди, муҳтарам Юртбошимиз Ислон Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида у таниб бўлмас даражада қайта чиroy очди. Янги мазмун ва моҳият билан бойиди. Атрофиди не-не гўзал, улугвор, замонавий бинолар қад ростлади. Борлари эса шу руҳ ва ғояга мос равишда қайта таъмирланди. Аввал парадларга мўлжалланган асфалтлар ўрнига қишин-ёзин ям-яшил майсазору боғ барпо этилди. Жумладан, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси қад ростлади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан 1 сентябрда Мустақиллик майдонида Эзгулик аркаси қуриб битказилди. Йил охирига (28.12) бориб эса ана шу майдондаги Мустақиллик обидаси пойига Бахтиёр она хайкали ўрнатилди. Кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 февралдаги қарори билан ана шу Мустақиллик обидаси ва Бахтиёр она хайкали Мустақиллик ва эзгулик монументи деб номланди.

Мустақиллик ва эзгулик монументига гулчамбар қўйиш расмий маросими жорий этилди.

Март ойида Тошкент вилоятида «Бурсель — Тошкент текстиль» қўшма корхонаси ишга туширилди. Май ойида «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл магистралининг иккинчи босқичи — «Қумқўрғон — Бойсун» йўналиши ишга туширилди. Чирчиқ шаҳрида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бўлиб ўтди, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



29 июлда биринчи ва иккинчи Тошкент тиббиёт институтлари негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ислохот мамлакатимизда демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган илмий-сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Бундай саъй-ҳаракатлар жиноий жазони янада эркинлаштириш, шу жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш зарурат эканлигини одамлар тез орада тушуниб етишди.

Ўлим жазосини бекор қилиш комплекс вазифаларни ўртага қўяр, бунинг учун кўп тармоқлардаги қонун ҳужжатларига, меъёрий-

Аммо бу мустақилликнинг дастлабки йилларида бир талай муаммо туғдирди. Биринчидан, табиийки, қўшни давлат ўз ҳудудидан ўтаётган, ҳатто, бўш вагонга ҳам бож талаб қилади; иккинчидан, виза деган гаплар бор; учинчидан, масофа узоқлашиб, вақтдан ютқазилади ва ҳоказо муаммолар... Ҳозир Учқудуқ орқали тўғри Нукусгача темир йўл қурилди. Ана шу муаммолар бартараф бўлди. Масофани босиб ўтиш муддати 6 соат қисқарди. Йўл бўйи чўлга ҳаёт кириб келди.

Шўро даврида Самарқанд тарафдан юрадиган поезд Қашқадарёнинг Ғузориға бориб турар эди. Эндиликда Ғузордан Деҳқонобод — Бойсун орқали Қумқўрғонга қараб темир йўл тортилди. Йўл қурилиши икки тарафдан бошланиб, бир-бирига яқинлаштириб борилади. Мустақилликнинг 16 йиллик тўйи арафасида мамлакатимизнинг жанубий вилояти марказига ҳам ўзимизнинг ҳудуддан юриб поездда етиб борадиган бўлди.

Мамлакатимиз шундай жўғрофий ҳудудда жойлашганки, қайси тарафга қараб юрсак ҳам, денгизга чиқиш учун икки давлат ҳудудини босиб ўтишимиз керак. Шун-

да биттагина оқилона ечим қолади: масофа жиҳатидан қай бири яқин бўлса, ўша ёққа қараб юрган маъқул. Энг яқин масофа эса Афғонистон ва Покистон орқали океанга — Қараи портига етиб олиш. Ҳайратон кўприги устидан темир йўл Афғонистонга ўтган. Афсуски, у биздан ўтиб, бир қақиримда тўхтади, Афғонистонда ҳозиргача бундан бошқа бир қадам ҳам темир йўл йўқ эди. Ўзбекистон ташаббуси билан ҳозирга келиб Ҳайратон — Мозори шариф йўналиши бўйича 70 километрлик темир йўл қурилиши амалга оширилди.

Истиқлолимизнинг кейинги йилларига келиб шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси сезиларли даражада ўзгаришга юз тутди.

Ўзбек халқи қадим замонлардан буюк шаҳар-созлик маданиятига эга бўлгани билан ҳам ҳар қанча фахрланса арзийди. Ахир, ҳисоблаб кўрайлик, мамлакатимизда қанча гўзал ва бетакрор шаҳарлар бор! Шулардан бири — Марғилон. 9 ноябрда Вазирлар Маҳмаси «Марғилон шаҳрининг 2.000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.


Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини Фарғона водийсига улайдиган автомобиль йўли бевосита Тошкент шаҳридан ўтади. Лекин машиналар шаҳар ичкарасига кириб, ҳаракатга қаттиқ халақит қилар, кўпинча тикилиб қолар эди. Тошкентнинг катта халқа йўлини тўғри Олчопардан ўтадиган магистралга улаб юбориш ғояси амалга оширилди. 2005 йили Сергелидаги кўприк фойдаланишга топширилди, Мустақилликнинг 15 йиллигига эса бутун лойиҳа нирҳоясига етказилди.

2005 йил халқаро иқтисодий муносабатларимизда ҳам туб бурилишлар йили бўлди, дейиш мумкин. 9 сентябрда Пекин шаҳрида 2005 йилнинг 25 майида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида «Дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисида»ги шартнома ратификация қилинди. 14 ноябрда Москвада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу тарихий илдирилди, шу билан бирга, кейинги йилларда давом эттиришга мўлжалланган талай эзгу ишлар бошлаб қўйилди ва у XXI асрнинг дастлабки беш йиллигига муносиб яқун ясади.

Шу йили атоқли адиб ва шоир Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

2005 йил давомида олдинги йилларда бошланган кўп эзгу ишлар илмий давом эттирилди, шу билан бирга, кейинги йилларда давом эттиришга мўлжалланган талай эзгу ишлар бошлаб қўйилди ва у XXI асрнинг дастлабки беш йиллигига муносиб яқун ясади.

Олим МАҲМУДОВ
(Келгуси сонда 2006 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Вақт ҳар кимнинг, ҳар ишнинг ўз баҳосини беради.

Ота-она — болалар учун ибрат.

Тафаккур ақлни чархлайди.

Таъма билан қилинган яхшилик муттаҳамликдир.

Нодон гапини ўтказганига хурсанд.

Бировнинг ташвиши ҳаммага ҳам малол келади.

Ножўя ҳаракати билан инсон кўп нарсадан ўзини ўзи маҳрум қилади.

Албатта, орзуга айб йўқ, лекин ҳар қандай орзуда ҳам бир асос бўлиши керак.

Аҳмоқ бошқаларга ақл ўргатишни ҳуш кўради.

Самарасиз меҳнат ҳафсалани пир қилади.

Қандай яшаб ўтиши ҳар кимнинг ўз қўлида.

Ақл ва тадбиркорлик бўлмаса, куруқ меҳнатнинг ўзидан фойда йўқ.

Нодон вазиятни ҳисобга олмайди.

Жоҳил ўз бахтини ўзи боғлайди.

Ҳушёр одам кам адашади.

Шошиб қилинган иш бир камчиликдан холи бўлмайди.

Баъзи кўргиликлар кўнгил кўзини очади.

Инсонга кўпинча ўз нафси панд беради.



Тошкент шаҳрида 15 август куні ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секунди-га 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 15 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фаз кўпайиш таҳмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ

МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ



Олмазор туманидаги 249-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» ёзиғи соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Умида Абдуазимова билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Ёз — 2013

ОРОМГОҲДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

У.Абдуазимова янги нашрдан чиққан «Ассалом, кўёш» шеърый тўпламини болажонларга тўхфа этиб, уларга янги шеърларидан ўқиб берди. Шунингдек, ўзининг мактабда тахсил олган даврлари, ўқувчилик таассуротлари, ибрат бўлгувчи ўғит ва ҳикоялардан сўзлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ёзиғи соғломлаштириш оромгоҳида таътилини мазмунли ўтказётган болажонлар бу ерда чет тилларини ўрганмоқдалар, шунингдек, оромгоҳ бошлиғи Нигора Сахинова, тарбиячи ва ўқитувчилар Назолат Қодирова, Камила Абдуллаева, Рашид Абдуллаев каби заҳматкаш педагоглар моҳир

қўллар, ёш рассомлар, шахмат-шашка ва спорт ўйинларига жалб этиб, болаларни янги ўқув йилига тайёрлаётганлари эътиборга лойиқдир.

Учрашув сўнггида болажонлар кизиқарли чиқишлар қилдилар, шўх рақс ва қўшиқлар ижро этдилар.

Ҳа, ўқувчиларнинг соғлом ва бақувват ўсишлари, шунингдек, турли тўғарақлар ишининг самарали йўлга қўйилишида мактаб жамоасининг жонбозлик қилаётгани болажонларнинг зукко ва ҳозиржавоблигини, юриш-туриши, ўзларини туттишлари ва одобларида ҳам яққол намоён бўлди.

Марям АХМЕДОВА

Спорт янгиликлари

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан мамлакатлар миллий терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 59-ўринга

лойиқ қўрилди. Бундан аввалги рейтингда 58-ўринда қайд этилган терма жамоа-

миз бу сафар бир поғона пастлади. Осиёда эса миллий терма жамоамиз Япония, Австралия, Жану-

Жорий йилда ҳам ушбу анъана давом этди. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида, туманида футбол турнирлари ташкил этилди.

Пойтахтимизда эса 1998 йилда турган ўсимлар жамоалари ўртасида уюштирилган футбол турнири «Хитира қанотлари» деб номланди. Унда 16 та жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб борди. Бош савра учун кураш ўз гуруҳларида биринчи ўринни эгаллаган «Пахтакор», «Бунёдкор», «Машъал» ҳамда «Нефтичи» жамоалари ўртасида кечди.

Хитира турнирининг учинчи ўрни учун майдонга

Ҳар йили 11 августда 1979 йилда авнаҳалокатта учраган «Пахтакор — 79» жамоаси хотирасига бағишлаб турли ёшдаги клублар ўртасида хотира турнирларини ўтказиш анъана тусини олган.

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР — ҒОЛИБ

тушган «Бунёдкор» — «Нефтичи» жамоалари баҳси фарғоналикларнинг ғалабаси билан янланган бўлса, турнир ғолиблиги учун «Пахтакор» ҳамда «Машъал» жамоалари кескин кураш олиб боришди. 90 дақиқа давом этган баҳсда зафар

қўнган ёш пахтакорчиларга ҳурмат шохсупасининг юқори поғонаси наҳаб этди.

Яқунда ғолиб ва совриндор жамоаларга совринлар, эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Ақбар ЙУЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 936/24-сонли ижро ҳужжати асосан «Блема» РКНД 40.3 русумли туңука банка ишлаб чиқариш усуни. Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.

2. Пскент тумани СИБ томонидан 24.12.2009-сонли ижро ҳужжати асосан 1984 й. и.ч. «Камаз 5320» д.р. 11 Z 9600. Бошланғич баҳоси — 2 893 795,99 сўм. Пскент тумани, «Бунёдкор» МЧЖда сақланмоқда. 3. Пскент тумани СИБ томонидан 10.08.2012-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Газ-53» д.р. 11 X 6605. Бошланғич баҳоси — 12 135 882,24 сўм. Пскент тумани, ИИБ ДАН жарима майдончасида сақланмоқда. 4. Пскент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 11-1232/14276 ва 08.11.2012 й. № 11-1229/15554-сонли ижро ҳужжати асосан 2001 й. и.ч. «Нексиа-GLE» д.р. 10 925 LAA. Бошланғич баҳоси — 17 185 500 сўм. 5. Пскент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 11-1232/14276 ва 08.11.2012 й. и.ч. «Автокрон КС-3562 Б» Шасси Маз-5334 д.р. 11 AC 399. Бошланғич баҳоси — 8 635 500 сўм. Пскент тумани «Пахта тўзалаш заводи» ОАЖда сақланмоқда. 6. Бекобод тумани СИБ томонидан 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Камаз» д.р. 11 K 3293. Бошланғич баҳоси — 9 143 659 сўм. 7. Бекобод тумани СИБ томонидан 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Камаз 5321» д.р. 10 R 639 AA. Бошланғич баҳоси — 9 065 900 сўм. 8. Бекобод тумани СИБ томонидан 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Камаз 5320» д.р. 11 I 2685. Бошланғич баҳоси — 7 686 323 сўм. 9. Бекобод тумани СИБ томонидан 01.03.2012 й. № 5249-сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«Москвич» д.р. 11 R 9813. Бошланғич баҳоси — 198 654 сўм. 10. Бекобод тумани СИБ томонидан 31.08.2012 й. № 14510-сонли ижро ҳужжати асосан «Урал» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 408 467 сўм. 11. Бекобод тумани СИБ томонидан 31.08.2012 й. № 14510-сонли ижро ҳужжати асосан «Урал» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 408 467 сўм. 12. Бекобод тумани СИБ томонидан 26.02.2013 й. № 25202-сонли ижро ҳужжати асосан «Исузуфарго» д.р. 11 J 9010. Бошланғич баҳоси — 4 056 156 сўм. 13. Бекобод тумани СИБ томонидан 06.12.2012 й. № 24806-сонли ижро ҳужжати асосан «Газ-31029» д.р. 11 E 7153. Бошланғич баҳоси — 2 855 493 сўм. Бекобод тумани «Шилик» ХХСКда сақланмоқда. 14. Бекобод тумани СИБ томонидан 14.06.2011 й. № 6908-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Газ 31105» д.р. 10 Q 367 CA. Бошланғич баҳоси — 4 001 069 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБда сақланмоқда. 15. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22-25-сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и.ч. «Волво» д.р. 17 V 6746. Бошланғич баҳоси — 34 109 078,16 сўм. 16. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22-25-сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. «Sk-24» д.р. 19 A 351. Бошланғич баҳоси — 26 947 227,66 сўм. 17. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22-25-сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и.ч. «MAN» д.р. 16 M 6959. Бошланғич баҳоси — 46 512 379,335 сўм. 18. Бектемир тумани СИБ томонидан 01.03.2012 й. № 1-43-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч.

«Ваз-21013» д.р. 01 W 609 GA. Бошланғич баҳоси — 3 710 881,72 сўм. 19. Бектемир тумани СИБ томонидан 31.01.2013 й. № 55-сонли ижро ҳужжати асосан 1985 й. и.ч. «Ваз-21063» д.р. 01 K 728 BA. Бошланғич баҳоси — 4 045 128,76 сўм. 20. Бектемир тумани СИБ томонидан 14.02.2013 й. № 1-68-сонли ижро ҳужжати асосан 1980 й. и.ч. «Ваз-2106» д.р. 01 Q 690 NA. Бошланғич баҳоси — 4 993 100 сўм. 21. Янгийўл тумани СИБ томонидан 20.04.2012 й. ижро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «Москвич-412 ИЭ» д.р. 11 K 7764. Бошланғич баҳоси — 532 648,7 сўм. Янгийўл тумани, Янгийўл Савдо Файз Барака МЧЖда сақланмоқда. 22. Янгийўл тумани СИБ томонидан 19.12.2008 й. ижро ҳужжати асосан 1979 й. и.ч. «Ваз-5» д.р. 11 A 2595. Бошланғич баҳоси — 235 030,4 сўм. 23. Янгийўл тумани СИБ томонидан 27.10.2008 й. ижро ҳужжати асосан 1961 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 11 L 6686. Бошланғич баҳоси — 808 824,7 сўм. Янгийўл тумани, Гўлбаҳор қ.ф.й., «Гўлбаҳор Матбуот Савдо» МЧЖда сақланмоқда. 24. Янгийўл тумани СИБ томонидан 04.10.2012 й. ижро ҳужжати асосан 2010 й. и.ч. «Capiva RLG» д.р. 10 070 KAA. Бошланғич баҳоси — 63 906 975 сўм. Янгийўл тумани, Гўлбаҳор қ.ф.й., Чирчиқ кўчаси, 1-уйда сақланмоқда.

Аукцион савдоси 2013 йил 29 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 25. Миробод тумани СИБ томонидан 22.07.2013 й. № 27355/6-сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й. и.ч. «Нексия Донс» д.р. 01 L 724 KA. Бошланғич баҳоси — 25 119 763 сўм. 26. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й.

№ 11242/10-сонли ижро ҳужжати асосан 2000 й. и.ч. «Опел Омега» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 20 767 000 сўм. 27. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11242/10-сонли ижро ҳужжати асосан «Ср416» майдонга ишлов берадиган плуг. Бошланғич баҳоси — 98 718 174 сўм. «Зафар-И» ХИЧТК боҳона оморби, Тошкент шаҳри, Эски Отчопар кўчасида сақланмоқда. 28. Паркент тумани СИБ томонидан 16.10.2012 й. № 1-5281-сонли ижро ҳужжати асосан 1997 й. и.ч. «Тико» д.р. 10 AA 436. Бошланғич баҳоси — 4 271 000 сўм. Паркент тумани МТП ОАЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 16 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖнинг «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси ва мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни Тошкент шаҳрининг туманларида 2013 йил 1 августдан 1 октябргача ташкил этиладиган Марказий «Мактаб бозорлари» манзили билан таништириб ўтамиз.

Учтепа тумани	Фарҳод кўчаси («Фарҳод деҳқон бозори» ён томонидаги автотўхташ жойида).
Бектемир тумани	«Триумфвират қурилиш» МЧЖга қарашли «Қўйлиқ савдо мажмуаси»да.
Миробод тумани	Ўзбекистон кўч. 17, «Тошкент универмаги»да.
М. Улугбек тумани	Сайрам кўч. 43-уй олдида.
Олмазор тумани	Талаба кўч. 65-уй, «Акмал Зиё ХК дўкони олдида».
Сергели тумани	Янги Сергели ва Массон кўчалари кесишувида.
Чилонзор тумани	Чилонзор кўч. 55, «Чилонзор савдо маркази» олдида.
Ҳамза тумани	Авиасозлар маданият саройи олдида.
Шайхонтоҳур тумани	Тошкент савдо маркази дўкони олдида.
Юнусобод тумани	Амир Темур шохкўчаси ва Аҳмад Дониш кўчаси кесишувида («Юнусобод» супермаркети дўкони олдида).
Яккасарой тумани	Шоҳжаҳон кўчаси автотўхташ жойи олдида («Аския деҳқон бозори»нинг кириш қисмида).

Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги деҳқон ва буюм бозорларида тадбиркорлар томонидан мактаб бозорлари шаклида ўқув қуроллари, қўлланмалари, кийим-кечаклар, пойабзаллар билан савдо ташкил этилади.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога «G'azalkent Stone» МЧЖ томонидан мармар блоклари қирқин уч арқонли қурилма (Telestar 2002 G) русумли усуна 2 дон. Бошланғич баҳоси 133 400 000 сўм бўлган мулк қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 6 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖнинг «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги 5-сонли академик лицейи маъмурияти ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига 2013-2014 ўқув йили учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Малака талаблари: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, академик лицей, касб-хунар коллежи таълим йўналишларидан бирида ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам бўлмаган, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали, чуқур касбий билимга, ижодий ва илмий потенциал салоҳиятга, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлиши шарт.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кохота кўчаси, 49-уй.

Тел: (371) 244-62-42

Факс: (371) 244-73-61

Мўлжал: Себзор даҳасидаги 9-сонли оилавий поликлиника рўпарасида.

«Wheat Flour Prod» МЧЖ (ИНН: 302287535) «Crush Trade» МЧЖ (ИНН: 302678017) таркибига қўшилишини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 9-уй манзилида қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари хар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 841

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9030 нусхада босилди.

Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.00